

ЖУМУШ



СИЗ МАРҲАМАТ ҚИЛАСИЗ ҲАЛИ

Шеърлар



«Фаргона» нашриёти - 2005


84(54) 6-5 Бадийи забиёт

Кумуш (Сайёра Солаева) 1967 йилда Хива шаҳрида туғилган. 1989 йилда ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини туғатган. Шеърлари республика матбуотида эълон қилингандар

№ 31661
0.

Кумуш.

Сиз марҳамат қиласиз ҳали. (Шеърлар).
«Фаргона» нашриёти, 2005, 64 бет.



© "Фаргона" нашриёти, 2005

ҚҮНГИЛ СИЗНИ ТАРК ЭТМАСИН

Қадим Ҳоразмнинг дунё тамаддунидаги ўрни улкан ва бекиёсdir. Биргина илм-фан соҳасини оладиган бўлсак, Абу Райҳон Беруний, Мусо Муҳаммад Ал-Ҳоразмий, Замаҳарийларнинг илмий жасорати ҳали-ҳануз олам аҳлини ҳайратга солади.

Ҳоразмда мусиқа маданияти қанчалар қадим бўлса, сўз санъати ҳам шунчалар үзок тарихга эга. Зоро, сўз ва соз бир-бирини тақозо этадиган, бир-бирини тўлдирадиган кўшқанот бўлиб руҳият осмонида парвоз қиладиган вобаста санъатdir. Ҳусусан, Оғаҳий, Комил Ҳоразмий, Мунис Ҳоразмий, Феруз, Аваз Ўтар шеъриягининг Ҳоразм кўшиқчилиги ривожида алоҳида ўрни бор.

Гап шеърият ҳақида борар экан, нисбатан бизга яқинроқ замонлар - ўтган асрнинг 60-иyllарида ва бундан кейинроқ адабиёт майдонига кириб келган Эркин Самандар, Омон Матчон, Матназар Абдулжакум каби забардаст ҳоразмлик ижодкорларни эсламасдан илож йўқ.

-Ҳоразм қомусий билимга эга бўлган буюк алломалар, ҳофизлар, шоирлар бешиги эканлиги исбот талаб этмайдиган ҳақиқат, - дейди ҳамсүҳбатим фикримни қувватлаб. - Фақат, нима десам экан, битта "кемтиқ" жойимиз бор: мумтоз адабиётимиз тарихидан анча-мунча хабардорман: нега Ҳоразмдан шоиралар чиқмаган, дейлик Нодира, Увайсий, Зебунисоларга ўхшаган...

-Халфалар-чи! - дейман ҳамсүҳбатим билан баҳсга киришиб, - инсоният руҳиятини баравж пардаларда тараннум эта олган халфалар қайси шоиралардан кам?! Эҳтимол, бу файзли сарзаминнинг руҳий-маънавий қуввати бир-иккита ижодкор аёлга оғирлик қилиб, юзлаб халфалар сиймосида намоён бўлгандир?

...Бу баҳсли мулоҳазалардан муддао хивалик синглимиз Сайёрани сиз азиз китобхонларга таништириш эди. Эҳтимол, Сайёра ҳам мен юқорида айтиб ўтган ўша илоҳий қувватнинг ХХI асргача етиб келган битта тўлқинидир. Фольклор

унсурлари, ҳалқона оҳанглар ижодида баралла бўй қўрсатмасада, Сайёранинг ҳам ҳалфалиги бор. Ҳалфалиги шу маънодаги, у аёл кўнглини бор нафосати, қувончи, фожеалари билан мардана кўйлайди. Мен бу гапларни осмондан олиб ёзаётганим йўқ. Сайёранинг дардли сатрлари, ўйлайманки, сизни ҳам бефарқ қолдирмайди. Масалан: (иқтибосни ёйма шаклда келтирияпман, узрі)

*Яшамоқ ҳам келса-я малол, Севмоқ эса ўлим билан тена.
Дунё нега бунча экан тор, Дунё нега бунча экан кенг?!*

Ёки:

*Энди сендан яширмайман мен, Қалбга сени гизлаганимни.
Ўзим сендан кечиб түриб ҳам, Ўзим сени излаганимни.*

Ва ниҳоят:

Сиз мени севсангиз арзимайманми, Осмонлар үзилиб тушами ерга.

Мен сиздан кетмайман энди ҳеч қачон, Кетсам ҳам бақтинча кетаман шеърга.

Шу ўринда Сайёра билан баҳслашиш мумкин “Шеърга бақтинча кетиб” бўлмайди. Шеър ҳам ҳудди мұхаббатдек кўнгил иши. Шеър ҳам ўта нозик, инжик, эътиборталаб, масъулиятталаб юмуш. Шеърни кўнгилиши дедик. Янада аниқроқ этсак, у айнан кўнгилнинг ўзидир.

Кўнгил сизни ҳеч қачон тарк этмасин!

Муҳаммад РАҲМОН,
*Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,
Республикада хизмат қўрсатган маданият ҳодими.*

БАХТДАН САРХУШ БҮЛАЙИН

Интилганга толе ёр дердинг,
Сен бир ўзинг ғамимни ердинг,
Бугун мени кимларга бердинг,
Дардлар бериб суйган, худойим,
Мени күзи қийган, худойим.

Сомондан-да сарғайди юзим,
Ёшга тұла бегуноқ күзим,
Нима қилай ёлғиз бир ўзим.
Сенсиз ҳолим жуда паришон,
Ёлғиз сени сүйдим мен, ишон.

Тақдирга тан бердим, никоят,
Ҳаётни мен севдим бағоят
Бахтли бўлсан эди деб, шояд,
Умидимдан айира кўрманг,
Қанотимни қайира кўрманг.

Қушлар учса қаноти куйган,
Тоҳир-Зуҳро бир-бирин суйган,
Борми ўзи бахтни ҳам туйган,
Дардни берар давоси билан,
Одам Ато Ҳавоси билан.

Бир кун тугар сабримнинг сабри,
Бу ҳаётнинг бўлди кўп жабри,
Ёлғиз қолди севгимнинг қабри,
Хотиралар сизсиз қийин-ку,
Ҳаёт қизиқ, ёмон ўйин-ку.

Ҳаётдан мен бездим демайман,
Қайгулардан тўздим демайман,

Ё олдинга ўздим, демайман,
Хаёт ширин жафоси билан,
Жафо эса сафоси билан.

Ҳали биз күрмаган кунлар бор,
Айтилмаган сукут-унлар бор,
Олинмаган қасос, хунлар бор,
Бахтдан, ахир, сархуш бўлайнин,
Кейин майли, майли, ўлайнин.

ТЎМАРИСЛАР ЎТГАН ЗАМИН БУ

Тўрт мучасин соғ қил, худойим,
Рўё бўлсин ёмон хаёли.
Юрагини тоғ қил эркакнинг,
Йигламасин унинг аёли.

Эгилмасин ҳеч қачон боши,
Пари қизлар бўлсин хаёли.
Тўмарислар ўтган замин бу,
Фурурни бахт билсин аёли.

Ор-номуси баланд йигитнинг,
Кўкрагида бўлсин шер ёли.
Уйида бек бўлсин, хон бўлсин,
Вазир бўлсин хоним аёли.

Худо назар солган заминни,
Айтишади, жаннат мисоли.
Йигитларни кўздан асрарин,
Илло, бахти бўлсин аёли...
Йигламасин сира аёли...

ЮРАГИНГИЗ МЕХМОНИЮ МЕЗБОНИ БҮЛАЙ

Мен сўрайман, сизнинг учун Яратгандан иймонни,
Дунёлардан кечгум, ахир, айтинг, менга осонми?
Худойимнинг ваъдалари - у зартамиз омонми?
Юрагингиз меҳмонию мезбони бўлай ўзим...

Йўлларимда учраган сел, жала мени эзмади,
Юрагимдан у оқсан қон, манглайимдан сизмади,
Не сирдир бу, ёраб жоним, қаҳрингиздан беҳмадим,
Юрагингиз меҳмонию мезбони бўлай ўзим...

Меҳрингизга қонмай туриб, сизга бердим меҳрлар,
Эвазига сиз ҳам берманг, мен кўрганман қаҳрлар,
Бир кун келиб ечилади жодуланган сеҳрлар,
Юрагингиз меҳмонию мезбони бўлай ўзим...

Тилак тиланг, шу заҳоти мен ижобат қиласман,
Изн беринг, аламларни дуоибад қиласман,
Пойингизга тўкилайин, минг айланиб ўргулиб,
Гуноҳимни ювиб бир кун ибодатлар қиласман,
Юрагингиз меҳмонию мезбони бўлай ўзим!



ХАР ҲОЛДА УМИД БОР

Ер билан бир бўлиб бормоқда,
Вужудим ҳеч ерга сиғмайсан.
Мендан нари кетмаган ҳасрат,
Нега яхши кунни туғмайсан?

У, ҳаммани сийлаган тақдир
Нега менга кулиб боқмайди?
Оққан дарё оқаверса гар,
Менинг дарём нега оқмайди?

Ҳар дам менга ён босган сабр,
Нега энди тушунмайсан, айт?
Бугун жуда кераксан, ахир,
Ташлаб кетма мени шундай пайт!

Сен бунчалик бўлма бешафқат,
Шу ёшимда этма ноумид.
Эртанг яхши бўлади дегин,
Ҳар ҳолда умид бор, бир умид...



ЭНГ КАТТА ОРЗУМ

Үйларим жуда кўп, аммо кўп ўйлаб,
Нима ҳам ортиридим ботиб хаёлга.
Билсангиз, дунёда энг катта орзум,
Яшашни истамоқ, ўхшаб аёлга.

Ўзим айбсизману айбдор ҳаётдай,
Юрибман ҳаммасин мен ундан кўриб.
Бахти бўлар эдим, агар яшасам,
Қизимнинг сочини йилда бир ўриб...

О, қандай зўр фикр, бу янги ғоя,
Режага солмоқлийк эртанги кунни.
Ҳаммани ўйлайман, бироқ билмайман,
Яхши ўтмоқдами ўғлимнинг куни.

Ўзимни ўйлашга, топа олсам вақт,
Ўтирсам гулларга кўмиб хонамни.
Гулларни севишдан, ахир не фойда,
Бориб кўролмасам отам-онамни?!

Орзу қилмоқликнинг нимаси ёмон?
Ажабмас, рўёбга айланса хаёл.
Бир куни келади, ана ўшанда
Топилмас мендан-да бахтиёр аёл!

МЕНИНГ ИБОДАТИМ

Косонсойлик Ал-Мўминнинг айтганлари...

Тангри инъомидир бу, бу - менинг саодатим, .
То тирикман ташламам, Аллоҳ берган одатим,
Қўлим кўксимда доим - шу менинг ибодатим
Нега хурсанд бўлмайин, ярасам эл корига...

Фақат бойлик билан ҳам баҳтли бўлиб бўлмайди,
Қувонч билан туғилиб, ғам-ла ўлиб бўлмайди,
Энг ёмони инсоннинг қалбин билиб бўлмайди,
Ўйнамадим, барибир, ҳар кимларнинг торига...

«Олтин олма, дуо ол» деган гаплар рост экан,
Бу дунёнинг ғами кўп, қувончлари ғэ экан,
Кўнгли ярим инсонга кўнгил бериш соз экан,
Бир хил билиб қарадим бой, камбағал барига...

Онам мўмин бўлсин деб, исмим Мўмин қўйибди,
Минг бор шукур Худога, назар солиб, суйибди,
Меҳр кўзда, меҳрни ким ҳам сиздан қийибди,
Бугун шукур қиласман, Яратганинг борига... .

ЗАРДҮЗИНГИЗ

(Қизим Фаридага)

Отасига ўшаган қыз баҳтли бўлармиши...

Дуоларга очинг қўлларни,
Яхши бўлсин гапу сўзингиз.
Қизингизни севинг оталар,
Қиз эмасдир, у - зардўзингиз.

Ортиқ кўринг ўғилдан ҳатто,
У меҳрибон қоракўзингиз.
Бугун мезбон, кун келиб меҳмон,
Оқ фотиха беринг ўзингиз.

Қиз туғилса, тўй қилинг хурсанд,
У ҳам сизнинг босган изингиз.
Отасига ўшамаса ҳам,
Баҳт-иқболли бўлсин қизингиз.



ЮРАГИНГИЗ БЕРСАНГИЗ БҮЛДИ

Сиз хоҳланг, мән сизга төг бүлгум,
Төглардай қудратли күчим бор.
Эвазига баҳтни күрсатинг,
Аламларда менинг үчим бор.

Сиз - худодан сүраган илинж,
Илинж билан қалб үйим түлди.
Күп нарса керакмас, азизим,
Юрагингиз берсангиз бүлди.

ЭНДИ СИЗ ДЕБ ЎЛАЙИН

Қиёматлар қўпар агар, агар мендан кечсангиз,
Сиз буюринг, етиб келгум, бирор тугун ечсангиз,
Розимасман, ишқ шаробин, ҳайҳот, менсиз иссангиз,
Сизни севдим, сиз деб келдим, энди сиз деб ўлайин...

Не ишқидир бу, барбод кўнглим энди обод қиларму?
Ярим кўнглим ғариб эди, энди у шод қиларму?
Ўзи тузди, ўзи бузди, энди бунёд қиларму?
Изн бергин, кўнгилгинам, энди мен ҳам тўлайин...

Юрагимга гуллардан ҳам кўпроқ тиконлар ботган,
Бу туннинг ишқи билан не-не тонг бедор отган,
Аламми у, ҳасадми у, менинг баҳтимни сотган,
Оқ фотиҳа беринг энди, мен ҳам баҳтли бўлайин...

Қиёматлар қўпар агар, агар мендан кечсангиз,
Сиз буюринг етиб келгум, бирор тугун ечсангиз,
Розимасман ишқ шаробин энди менсиз иссангиз,
Сизни севдим, сиз деб келдим, энди сиз деб ўлайин...

ҚИЁМАТГА ҚОЛМАСИН ДИЙДОР

Мен шунча йил алдаб яшадим,
Армонларга бой беріб үзни.
Минг хил күйга тушганим-ку рост
Алдамадим, бироқ мен сизни.

Мен яшашни истадим фақат,
Истамадим үткінчи ҳисни.
Гар бўлса-да ҳаёт бешафқат,
Алдамадим, бироқ мен сизни.

Қиёматга қолмасин дийдор,
Худо қўшсин тақдиримизни.
Йўқса, ҳаёт менга не даркор?
Мен севаман, ишонинг, сизни.

ЯХШИ ЭДИ У ЎТГАН КУНЛАР

Яхши эди у ўтган кунлар,
Гўзал эди бокира туйғу.
Бугун мени ёмон қийнайди,
Юрагимга сигмаган қайғу.

Бугун менинг душманим алам,
Бугун менинг душманим пушмон.
Мен ҳеч нарса эмасман сенсиз,
Қанотлари қирқилган күшман.

Сенсиз жуда-жуда қийналдим,
Сенсиз жуда аҳволим қийин.
Энди яшаб кетмоғим гумон,
Энди кетиб қолмоғим тайин.
Яхши эди сен бор у кунлар...

ХУДО, ЁЛГИЗ ҚИЛМА АЁЛНИ

О, она, мен сизни соғиндим,
Уззукун құмсайман сизни-да, ота.
Нега сиздай яшай билмадим,
Бошдан-оёқ ҳаётим хато.

Нега осмон ёқади менга?
Лойдан бино бұлған-ку жисмим?
Қүй, яхшиси, мен ерга тушай,
Бұлса ҳамки Сайёра исмим.

Баландпарвоз орзуладар тамом,
Чарчадим, рост, суриб хаёлни.
Нима қылсанг, қылгину худо,
Фақат ёлғиз қилма аёлни.

ЖОНИМНИ ҚИЙНАМА, ЖОНИМ

Күнглим танқо сени истаса, нетай,
Нозу фирогингдан ўргулиб кетай,
Бир кун келиб, ахир, муродга етай,
Бунчалик қийнадинг жонимни, жоним...

Менинг ёш бошимни азобға қўйган,
Мени эмас, балки ўзгани суйган,
Шунданмикан мени юрагим куйган,
Бунчалик қийнадинг жонимни, жоним...

Гоҳ ёмон бу ҳаёт, гоҳида яхши,
Ёлғиз сен ўзингсан ҳаётим нақши,
Мен оддий шоирман, оддий бир бахши,
Сенинг-ла мунааввар менинг ҳар оним,
Бунчалик қийнама жонимни, жоним...

ҲАЛИ ШУНДАЙ КҮНЛАР КЕЛАДИ

Ҳали шундай күнлар келади,
Хайрон қилиб ҳаммани ҳали,
Уялиб қолади шубҳасиз,
Бермаганлар менга тасалли.

Бир пайтлари йиглаганман, рост,
Бугун бошқа бўлди юрагим.
Тақдирга тан бердим, ниҳоят,
Сизнинг учун ўлди юрагим.

Яхшими, ёмонми яради,
Кўзларимга суртаман вақтни.
Мен ҳали шошиб ҳам қоламан,
Кўтаролмай оғир юк - баҳтни.

Ҳали шундай күнлар келади.

АЛДАШДАН ҚЎРҚАМАН

Мен сизни алдашдан қўрқаман,
Сира бунга қолмасин куним.
Қарғашдан-ку, худо асрасин,
Олсин ўзи, ҳар қанча хуним.

Худойимга не ёзган эдим,
Хато қилиб, сира тўймадим.
Мени суймаганни сўйдиму,
Сўйганларни эса суймадим...

МУҲАББАТ ДЕБ ЎЛАЙМИ ЭНДИ?!

Ўзингни тут, қийин бўлмоқчи,
Юрак, сенга керак бардошлар.
Ҳали керак бўласиз менга,
Тўкилмайин турингиз ёшлар...

Муҳаббатдан туғилганим рост,
Муҳаббат деб ўрайми энди?!
Ўн гулимдан бир гулим ҳам, айт,
Очилмайин сўрайми энди?!

Биламанки, бари беҳуда,
Шундай бўлган, шундай бўлади.
Нафратлардан ўлмаган юрак,
Муҳаббат деб наҳот ўлади?

Кўнгил, сенга кўнгил берайми,
Бўлса ҳамки, ўз кўнглим ярим.
Беҳудага алдама, етар,
Зорим бору, йўқ сýра зўрим.

Бир кун келар, унутилар дард,
Шундай бўлган, шундай бўлади.
Сайёрани излаб келган мард,
Керак бўлса у деб ўлади.

ХУДО, СЕНИНГ БОРЛИГИНГ ЯХШИ

Худо, сенинг борлигинг яхши,
Яна менга ёрлигинг яхши,
Яхшиларга кенг бўлсин дунё,
Ёмонларга торлиги яхши.


Кўзларимга ишонмаяпман,
Йўқотганим, бахтимми топган?
Минг бор шукур, сенга худойим,
Бугун менинг омадим чолган.
Худо, сенинг борлигинг яхши.

СОГИНДИМ...

Согиндим, хиёнат этса ҳам,
Мендан-да воз кечган йилларни.
Титрайди азобдан вужудим,
Кўриб барвақт сўлган гулларни.

Не учун кўникай ҳаётга,
У менга кўнмаса, севмаса.
Мен қандай яшайин хотиржам,
Орзулар қўймаса, ўлмаса.

Айб мендами, даъвогар кўнгил
Истагидан кечмаса юрак?
Бу дунёдан кечиб бўлмаса,
Айтинг, қандай яшамоқ керак?



СИЗДАН БОШҚА ЙҮҚМИДИ МЕНГА...

Сиздан бошқа йүқмиди менга?
Асли сизга түйгүларим ҳайф.
Сизни севиб нима орттирудим?
Сизга ҳатто, қайғуларим ҳайф.

Мұхаббатнинг күзлари күрми?
Наҳот, ишқнинг шароби тахир?
Шүр пешона бўлмасам агар,
Сизни севиб қолмасдим, ахир,
Сиздан бошқа йүқмиди менга...

ОРЗУ ИЗТИРОБИ

Мен ўзимни овутдим, наҳот,
Яхши отлар чопар деб кейин.
Қайғу чекмок, балки, ортиқча,
Яхши кунлар келиши тайин.

Саодатни этганман орзу,
Йиғлаганим, балки, бекорга,
Балки катта хатом ҳам шудир!
Осилганман энг баланд дорга...

ЮРАГИНГИЗ ЎҒРИМИДИ?

Юзингизни мендан буриб
Кетишингиз тұғримиди?
Юрагимни үғирлаган
Юрагингиз үғримиди?

Не күрсангиз менгинадан
Күришга ҳеч борми асос?
Сизни солдим мен худога,
«Миналхақу ал-қасос»!

Сиз устозсиз бу йүлда,
Бу йүлда мен толибман.
Сиз-чи, мағлуб бўлдингиз
Мен аслида ғолибман.

Ниятига етганларим
Майли ёмон бўлингиз.
Сизга йўқдир гинам менинг
Энди омон бўлингиз.

Ачинмайман ўтган умр,
Ўтган куним - тақдирга.
Фақат, эссиз, хотиралар,
Сиз билан қолди бирга.

Ачинаман, бугун, рости,
Сагир қолган туйгумга.
Сиз сиғмаган юрагимдан
Жой бераман қайғумга.

Ғийбатларга ишониб
Кетишингиз тұғримиди?
Юрагимни олиб қолган
Юрагингиз үғримиди?

КУЙГАН БУ ДИЛИМНИ КҮЙДИРДИ ЁМОН

Менинг кимлигимни эл билса бўлди...
O. Матчон

Душманни дўст билиб, доим адашдим,
Кулгуни йигига бекор алмашдим,
Шунданми, билмадим, йўқ менинг шаштим,
«Менинг кимлигимни эл билса бўлди...».

Бўрининг оғзи қон, еса-емаса,
Эл оғзига элак тутиб бўлмаса,
Майли, у кимлигим билса-билмаса,
«Менинг кимлигимни эл билса бўлди...».

Куйган бу дилимни күйдирди ёмон,
Мени суймаганни сўйдирди ёмон,
Ёш жонни жонидан тўйдирди ёмон,
«Менинг кимлигимни эл билса бўлди...».

СЕН УЧУН ҚАЙТАДАН ТУГИЛДИМ

Мен сени қанчалар кутдим-а,
Қанчалик бўлдим-а интизор.
Нечоғлик куюндим ишқингда,
Бўлиб хор, бўлиб зор, бўлиб ёр.

Гоҳида ўлдирди аламлар,
Гоҳида қувончдан бўғилдим.
Лекин, мен, барибир, ишонгин,
Сен учун қайтадан тугилдим.

Ох, нелар кечмади, бу бошдан,
Қанча тунлар ўтмади бедор?
Яратганга беҳисоб шукур,
Кечикса-да, келди-ку баҳор!

ДИЛИМ ЁНИБ КЕТЯПТИ

Айтинг, Она, мен нима қилай,
Ҳеч ўзимдан кўнглим тўлмаса?
Кўпдир сохта харидорларим
Лекин улар Мажнун бўлмаса?

Айтинг, Она, мен нима қилай,
Бахтни кўрсам, лекин тутмасам?
Мени, айтинг, ўзи кечирсин
Бир умрга уни кутмасам?

Дилим ёниб кетяпти, она,
Яхши эди уйим ёнгани.
Керагича туйдим ғам-алам
Қани унинг бахтдан қонгани?

Дилим ёниб кетяпти, она,
Рози бўлинг, майли, мен ўлай.
Агар у ҳам Мажнун бўлмаса,
Юрагимни бир умр илай, *

Она, айтинг, мен нима қилай?!

* Илай – қулфлай (шева).

ҮТГАН КУНИМ...

Үтган куним - үтганларим,
Нечун жуда тотлисан?
Афсус, сен-ла қололмайман,
Ахир, үтмиш отлисан.'

Үтган куним үтган кундир,
Энди үңдан фойда йүк.
Қүй, қүнглингни бузма, у баҳт
Күз ёш түккан жойда йүк.

Үтган куним үтди-кетди
Үтган кун деб йиғлайми?
Хали күлдир орзуларим
Мен хотиржам ухлайми?

Күнгил энди, нелар қилсин,
Қолиб содиқ у аҳдга?
Күрганлари нима бўлди,
Нолойиқми ё баҳтга?

Мени бугун аламларга,
Ўртоқ қилди муҳаббат.
Шер юрагим бор эди-ку,
Қўрқоқ қилди муҳаббат.

Үтган куним - үтганларим,
Сен барибир, тотлисан.
Афсус, сен-ла қололмайман,
Ахир, үтмиш отлисан...

ҲАЁТ, МАРҲАМАТИНГ АЯМА МЕНДАН

Ҳаёт, марҳаматинг аяма мендан,
Ойнинг ўн бешин ҳам қилма қоронғу.
Ишонтири, дунёда бари ўткинчи,
Бу ҳаёт арзимас чекишга қайғу.

Ишонтири, дунёда севги йўқ нарса,
Худодан бошқаси ёлғон, инондим.
Изтироб чекишга арзимасанг ҳам,
Мен телба ишқингда беҳуда ёндим.

Умр деганлари ёлғончи нарса,
Ростликка хиёнат этди туйгулар.
Бегуноҳ юрагим севди шодликни
Юрагимни эса севди қайгулар.

Бевафо умрда бечора севги,
Афсус қилайинми ўтган умрга,
Эҳтимол, дунёда бари ўткинчи,
Мұхими, юрагим мен билан бирга.



ИМКОНЛАР ТИРИК

Бунчалик рұхингни чўқтирма, она,
Тўлмаган кўнгиллар бир кун тўлади.
Оққан дарё, ахир, оқмасдан қолмас,
«Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлади».

Бугунни амаллаб ўтказайлик, кел,
Эрта не бўлишин худо билади.
Ўн беши ёруғдир қоронғу ойнинг,
«Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлади».

Имконлар ўлмаган, имконлар тирик,
Ишон, ўтган кунлар яна келади.
Билсанг, она, ана ўшанда,
«Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлади».



СЕН МЕНИ КЕЧИРГИН, ЮРАГИМ

Сен мени кечиргин, юрагим,
Мен туфайли күзларингда ёш.
Мен туфайли бунда барчаси,
Мен деб бўлдинг ҳатто бағритош.

Менда нима қасдинг бор эди,
Нега мени алдадинг, баҳор?
Нега менга хиёнат қилди,
Севаман деб у бевафо ёр?

Остонамда тўхтаб қолган бахт,
Нима қиласай яна сен учун?
Мен-ку, ўла билдим сени деб
Куясан сен қачон мен учун?

Кўзларимни кўр қилган, севги,
Ҳеч бўлмаса, сен қилма зулм.
Ҳеч бўлмаса, сен мени севгин,
Фақат мени севмасин ўлим!...
Сен мени кечиргин, юрагим...



КУРАШАДИ САВОБ - ГУНОХЛАР

Умр ўтиб кетмоқда, эссиz,
Аро йўлда қолдириб бизни.
Мен эса... мен эса, барибир,
Фақат сизни... севаман сизни...

Тўқнашади ҳар кун нигоҳлар,
Айтолмайман, аммо у сўзни.
Курашади савоб-гуноҳлар,
Тушунмайман бироқ мен ўзни...

О, биламан, ҳаммаси аён,
Сиз севмайсиз мендайин қизни....
Кўнгил эса яшайверади,
Тавоф этиб, сиз босган изни...



КҮРГУЛИКЛАР БИР ЎЗИМНИКИ

Энди сиздан гина қилмайман...
З. Эгамбердиева

«Энди сиздан гина қилмайман»,
Сиз деб энди гуллар термайман.
Күргуликлар бир ўзимники,
Күркманг, уни сизга бермайман.

Йўқ эдингиз бор қилдим ўзим,
Энди эса йўқсиз мен учун.
Сиз менинг энг буюк хатомсиз,
Хато кетган ўқсиз мен учун.

Бу не йўқдир, бу не аросат,
Манзилга ҳеч етиб бўлмаса,
Сиз ҳам шуни хоҳлаган билан,
Сизни ташлаб кетиб бўлмаса,

Энди сиздан гина қилмайман...



МЕН ЭРТАГА БАХТЛИ БҮЛАМАН

Сиз эртага келасиз...
Салим Ашур

Сиз эртага келасиз, түгри,
Буни ҳатто ўзим биламан.
Эртага бир кун бор, ахир,
Эртагача балки ўламан.

Шунча кутдим, о, бир кун нима,
Майли, яна сабр қиласман.
Сабр таги сариқ олтин-ку,
Шамол каби бедор еламан.

Чин дүст нима, чин севги нима,
Энг муҳими, энди биламан.
Сиз эртага келасиз ва мен
О, эртага бахтли бўламан.

Сиз эртага келасиз, түгри...



БИР ҚУНИ МЕН УЧИБ КЕТАМАН

Боримда сиз мени билмайсиз,
Қадримга етмайсиз ҳеч қачон,
Бир куни мен учиб кетаман,
Уйимга айланар кенг осмон.

Бекорга сиз мендан ранжиманг,
Гуноҳлар воз кечди сабримдан,
Сиз учун хўп йиглаб, хўп куйдим
Энди сиз ҳам йиғланг жабримдан.

Кетсам ҳам зор қилиб кетаман,
Қадамим - ҳар босган изимга.
Сиз ҳали мени кўп эслайсиз,
Ҳали зор бўласиз исимга.

Сиз мени билмайсиз ростдан ҳам,
Қадримга етмайсиз ҳеч қачон.
Бир куни мен учиб кетаман,
Уйимга айланар кенг осмон.



ХУДО БЕРСИН МЕНГА САБРНИ

Хаёт қийин дарс экан жуда,
Яшаш жуда оғир бўляпти,
Ростдан кўра ёлғонлари кўп,
Дунёлардан кетгим келяпти.

Нима бўлди, нималар бўлди,
Нечун машқим бугун бунча паст?
Нечун менинг яшагим келмас,
Ёмонларга, ахир, қасдма-қасд?

Кечир мени, кечиргин, юрак,
Энди менга ён босма, майли.
Шундоқ ҳам жуда кўп қийнадим,
Қийналдинг ёлғиз мен туфайли.

Худо берсин менга сабрни,
Назарини эса олмасин,
Мен-ку, майли, чидайман, фақат,
Унинг мендан кўнгли қолмасин.



ЯШАМОҚ ҲАМ КЕЛСА-Я МАЛОЛ

Яшамоқ ҳам келса-я малол,
Севмоқ эса ўлим билан teng.
Дунё нега бунча экан тор,
Дунё нега бунча экан кенг?

Мен қаерда хато қилдим, айт,
Мен ўзи қаерда адашдим?
Ўлгим сира келмаяптию,
Яшашга ҳам йўқ ҳатто шаштим.

Ортиқ бундай яшаб бўлмайди,
Сабримнинг ҳам косаси тўлган.
Феълимдан-ку, кўнглим тўлмайди,
Уни мен деб бўлари бўлган...

Яшамоқ ҳам келса-я малол.





Оиласи дафрасида.



Устозлар дафрасида. Чолдан Собир Ўнар «Ёшлик» журналини бош мұхаррири, ёзувчи, Сирожиддин Саййид Ўзбекистон Ёзувчилар үюшмаси раисининг биринчи үринбосари, шоур Луқмон Бўриҳон, «Ёшлик» журналининг бош мұхаррир үринбосари, ёзувчи.



Косонсойлик дүйстлар дағрасида. Чапдан Ҳурматой Құдратова - Косонсой түман ҳокимлигининг Маданият ва спорт ишлари бүлими мудири, Ҳамидахон Нажмиддинова - шифокор, Мұминжон Қосимов ва Тоҳирахон Мұйдинаева Косонсой түман ҳокими үринбосари.



Шоир Зиёвиддин Мансуров ва Мұминжон Қосимовлар билан.

ҮНГИМДА ҲАМ КЕЛГИН ҲУМО ҚУШ

Бу умр ғанимат аслида,
Сизгача ҳам ёлғон дунё бу
Аввалдан бири кам яралган,
Бизгача ҳам қолғон дунё бу.

Тақдирга берайми тан энди?
Тиз чўкиб аламлар қошида?
Фарзанднинг додини кўрсатма
Йиғламай боламнинг бошида.

Керакдайман ҳаммага гўё,
Аслида мен кимман, айт, ахир,
Кулмайди мен учун бу дунё
Не учун бокмайди, ё тақдир.

Гўёки мендан-да яхши йўқ,
Яхшилик қилиб ҳеч тўймайман
Мен телба ва ёки бир ношуд?
Ўзимни негадир сўймайман.

Эскидан халқимда гап қолган
Боқиш ҳам керакдир замонга.
Майлига мен унга бокаман,
Боқарми у ҳам мен томонга.

Ўзим-чун, айт, қачон яшайман?
Бахтданми бўламан ё сархуш?
Кўраман тушимда кўп сени
Ўнгимда ҳам келгин, Ҳумо қуш.

Кетмангиз, орзулас, кетмангиз,
Армонни жиним ҳеч сўймайди.
Дардини берганим-худойим,
Давосин бермасдан қўймайди.

БУНЧА ОГИР СИЗГА ҚАРАШ

Бунча огир сизга қараш, эй, сиз сохта нигоҳлар,
Бўлди, энди сиз ҳам кетинг, сиздан бездим гуноҳлар,
Қилмаганман ҳеч, барибир, мен бекорга оҳ-воҳлар,
Кеча кўрган тушим эрта рўё бўлса, не ажаб...

Текис эмас экан йўллар, тўғри, кўрдим кўп жафо,
Ҳавас қилдим, бек ишқини, армон бўлди лек вафо,
Умр бўйи орзу қилдим, кўрмадим аммо сафо,
Хун йиғлаган ярим кўнглим шояд кулса, не ажаб...

Шу ёшда ҳам билмасам, ким яхшию ким ёмон,
Ёмон қолиб, яхшиларга нега кун йўқ бу замон,
Кўрмагани қолмаса-да, яхшиям юрак омон,
Бир кун келиб бўшаб қолган юрак тўлса, не ажаб...



МЕН УЧУН ЎЗИНГИЗ БОРСИЗ

Дунёда гуллар кўп, чаман кўп, бироқ,
Ҳар бирин ўз ўрни, иси ўзгача.
Қалбимни қийнайди, фақат бир сўроқ,
Мен нега яшадим сизсиз сизгача?

Ўртада узун йўл ётар ястаниб,
Ўртада довон бор қорли ва қорсиз.
Мен шукур қиласман, ахир, дунёда
Муҳими, мен учун ўзингиз борсиз...

Сиз менинг бир умр кутганим - ёрсиз.

МАЙЛИМИ, МЕН СИЗГА ТОҒ ДЕБ СУЯНСАМ

Майлими, мен сизга тоғ деб суянсан,
Тоғ каби суюнчиқ, бўлоласизми?
Буюринг, не қилай, мен яна сизга,
Керагида сиз ҳам ўлоласизми?

Йўқса, айтинг, менга, юрмай бехуда
Парвона мисоли қанотим куйиб,
Бор бойлик, ихтиёр кетди қўлимдан,
Қуним қолгач сизга, мен сизни суйиб,

Майлими, мен сизга тоғ деб суянсан.

ХУДОЙИМ ҲАМ ЁРДИР-КУ!

Сен замонга боқмасанг, замон сенга боқмайди,
Оқиб турган дарё ҳам билсанг, агар оқмайди,
Сен-чи, унга ёқасан, у-чи, сенга ёқмайди,
Сен кимга зорсан бунда, кимлар сенга зор унда...

Бунча шафқатсиз дунё, бир туғилиб минг ўлдим,
Нима айбим бор эди күп йигладим, кам кулдим,
Куним қолиб номардга сахрода сароб бўлдим,
Сен кимга зорсан бунда, кимлар сенга зор унда.

Кўнглим олмоқ бўяғанлар фақат кўнглим қолдирди,
Дўст деб билдим, душманлар мажруҳ руҳим ўлдирди,
Гул мисоли қалбимни бўронларми сўлдирди,
Сен кимга зорсан бунда, кимлар сенга зор унда.

Бу кунларнинг ҳам бир кун ўтмоқлари бордир-ку,
Ёмонлик қилғанларнинг, эрталари хордир-ку,
Худо деганларига худойим ҳам ёрдир-ку,
Сен кимга зорсан бунда, кимлар сенга зор унда.



СЕН ОЛДИМГА ҚАЙТГИН, ҲУМО ҚУШ

Тақдир экан, пешонада бор экан,
Аввал топиб, кейин эса йўқотиш.
Ёзғитимга не ёзилган кўраман,
Фақат сен олдимга қайтгин, Ҳумо қуш.

Сени йўқотганим кўп ёмон бўлди,
Яхшиям бошгинам, о, омон бўлди,
Бахтимга юрагим мен томон бўлди,
Фақат сен олдимга қайтгин, Ҳумо қуш.

Билмагани, ахир, худо кечирар,
Бир кун шароб, бир кун заҳар ичирар,
Дунёда неки бор, охир, ечилар,
Фақат сен олдимга қайтгин, Ҳумо қуш.

Хеч нарсам қолмади сабрдан бўлак,
Раҳм қиласмикан, менга ҳам фалак,
Қалбимда биргина, биргина тилак,
Фақат сен олдимга қайтгин, Ҳумо қуш.



СИЗНИ СЕВИШ КЕЛАР ҚҮЛИМДАН

Сизни севиши келар қүлимдан,
Бошқасига күчим етмайди.
Бекорга оғритманг, дилимни,
Дил яраси кейин битмайди.

Чарчамадим айтиб севгимни,
Сиз мени эшитиб чарчаманг,
Хисларимни ўйнашдан кўра,
Юрагимни, майли, парчаланг.

Ахир, қирқта жоним бор менинг,
Қирқ бирига ҳам чидай, майли.
Сиздан, наҳот, Мажнун чиқмаса?
Мендан, наҳот, чиқмаса, Лайли?!

Бошқаришга сизни йўл бўлсин,
Нима қилсин менда сеҳрлар.
Чин юракдан севганман сизни,
Ва берганман оддий меҳрлар.

Сизни севиши келар қўлимдан,
Бошқасига куч олай қайдан?
Фақат кетиб қолмасам бўлди,
Туйгуларим хўрланган жойдан!

Сизни севиши келар қўлимдан...

МЕН ДУНЁДА ЭҢГ БАХТЛИ АЁЛ

Бу кунларнинг борми охири,
Шу сўнгисин оқ қил илойим,
Ишқ деб, наҳот, ботдим гуноҳга,
Гуноҳимни кечир, худойим.

Мен севмадим, ахир, бойликни,
Хиёнат ҳам қилмадим аҳдга.
Билмаганим кечиринг, аммо
Лойик қилинг сиз мени баҳтга.

Асов отдай чопмоқда умр,
Бу не умр шамолдай елса.
Мен баҳордан кечаман, агар
Баҳор менга унингсиз келса..

Алдашга ҳеч уринманг мени
Йўлдан урманг, сиз сотқин хаёл!
То ҳаётман, севаман уни
Мен дунёда эңг баҳтли аёл.

КЕЧИРИМ

Кечирим сўрайман дов-дараҳтлардан,
Кечирим сўрайман, гуллардан, ердан.
Сен ҳам мени кечир, эй азиз дўстим,
Устун қўёлмасам, мен сени шеърдан.

Йиллар ўтиб кетди, юрагимизда,
Қолдириб ҳам яхши, ҳам ёмон изни.
Тўғри, беролмадим, қалбимни, афсус,
Бироқ беролдим-ку, эңг гўзал ҳисни...

- ЎЗИ СИЗГА КЕРАКМАНМИ?

Кетолмадим, ёрим сиздан кўнгил узиб,
Рози бўлинг, ташлаб кетай юрагимни.
Яшолмайман энди ортиқ кўзим сузиб,
Мен билайнин, ўзи сизга керакманми?

Йўқса, бекор сиз деб тонглар отганлари,
Кўзингизнинг кўзларимга ботганлари,
Ғуурни ҳам муҳаббатга сотганларим,
Кўнглингизнинг тубидаги тилакманми?

Кетолмайман ёрим сиздан кўнгил узиб...

ИШҚНИ БИЛМАЙ...

Бездим дунё ташвишларидан,
Шу ёшимда мен ундан тўйдим.
Зарра қадр топмади қадрим,
Хато қилдим, мен уни сўйдим.

Сездим, менга қалбида жой йўқ,
Билдим, ишқим керакмас сизга.
Бугун сизни дуо қиласман:
Ишқни билмай киринг сиз юзга...

Бездим дунё ташвишларидан...

СИЗДАН ТОНА ОЛМАДИМ

Нима бўлди сизга, оғажон
Дардларингиз била олмадим?
Нега сиздан ўзга маҳбубни,
Назаримга ила олмадим?

Мехр тансик дунёлар ичра,
Мехрингизга қона олмадим.
Юрагимдан кечсам кечдимки,
Лекин сиздан тона олмадим.

Ташвишимни сизнидан ҳеч
Нетай, устун қўя олмадим.
Ҳеч кимсани, қасам ичаман,
Сизнинг каби суж олмадим.



ЮРАГИМ ЮРАКМАС СИЗСИЗ

**Сизга малолмасми, менинг борлигим...
Гулжамол**

Үзимга эп билсам Лайли ишқини,
Сизга баҳт келтирса, сизга ёрлигим.
Севгим ҳаром эмас, севгим ҳалолми,
«Сизга малолмасми, менинг борлигим!»

Баҳтни кутиб, қаранг, рангим сарғайди,
Сизга хуш ёқами, сизга зорлигим.
Уволи тутмасин ишқни, қарғайди,
«Сизга малолмасми, менинг борлигим!»

Менга ишқ дунёси керакмас сизсиз,
Сиз кетманг, аёндир сизсиз хорлигим.
Не қилай, юрагим юракмас сизсиз,
«Сизга малолмасми, менинг борлигим!»



ЧҮЛ ДЕМАНГИЗ ХОРАЗМНИ

*Хоразмни чўл деб мени ранжитган бир дўстимга
ярим ҳазил, ярим чин маъносида багишлов...*

Чўл дедингиз сиз Хоразмни,
«На боғи бор ва на-да тоги».
Билмай туриб сўзламангиз ҳеч,
Ў, уларнинг йўқдирсаноги.

Чўл демангиз сиз Хоразмни,
Жалолиддин тоги бор, ахир,
Ахир, асов Жайхуни бор-ку,
Гарчи, суви тузли ва тахир.

Янгилишдингиз шу ерда бир оз,
«На боғи бор ва на-да тоги».
Қайси боғдан кам, ахир, айтинг,
Шоир Феруз, Огаҳий боғи.

Ал-жабрга асос солди-ку,
Ал-Хоразмий таълимотлари,
Ёзсам ахир минг китоб бўлар,
Хоразмнинг маълумотлари.

Қанча одам келиб-кетади,
Тавоб учун Маҳмуд қабрини.
Гўзаллиги бошига етиб,
Чеккан халқим ғаним жабрини.

Наҳот, сизни жунбушга солмас,
Комилжоннинг тори сеҳрли.
Одамлари бордир меҳмондўст
Одамлари унинг меҳрли.

Хоразмнинг бурунчи* ширин,
Деҳқонининг қўли қадоғли,
Сиз, яхшиси, бир келиб кетинг,
Азиз меҳмон бўлинг, ардоғли.

Бу гап менга оғир ботади,
Чўл демангиз сиз Хоразмни,
Мен ҳам, ахир, шу «чўл» қизиман,
Шундай гўзал, кўхна азимни.

ҲУЗУРИНГГА КЕЛДИМ

Ҳузурингга келдим, мана мен,
Уэрларим қабул эт, маҳбуб.
Гарчи сенсиз узоқ яшадим,
Юрагимга осганимча қулф.

Гарчи сенсиз узоқ яшадим,
Билмай гуноҳ, билмай не савоб.
Хоҳла ўлдир, хоҳласанг кечир,
Хоҳла жон бер, хоҳла эт хароб...

* Бурунч - гурунч (*Хоразм шеваси*).

МЕН КЕТЯПМАН КЕЛАЖАК ТОМОН

Бу кунимиз қайғу ва доғли.
А. С. Пушкин

Бу кунимиз қайғу ва доғли,
У-эртамиз нурга йүғрилган.
Керак эмас бунда сиқилмоқ,
Инсон яшаш учун туғилган.

Бу дунёда неки бор, ишон,
Бир кун келиб унут бўлади.
Ҳар нарсани давосимиш вақт,
Буни яшаб кўрган билади.

Ҳали туйиб улгурмовдим ҳам,
Бахтнинг қолди оғзимдан таъми.
Очилмайин сўлган ғунчаман,
Адо қилди муҳаббат ғами.

Адо қилди мени бу ҳаёт,
Мен мағлубман, чиндан-да бугун.
Аммо ҳали узоқ яшайман,
Бир кун ғолиб бўлишим учун.

Биламанки, ҳаёт шафқатли,
Гоҳи яхши, гоҳида ёмон.
Кечир мени сен бугун ўтмиш,
Мен кетяпман келажак томон.

БИР КУН ТУТАР СЕВГИМ УВОЛИ

Үзимни хор қилдим ер қадар,
Сенга хор, ўзгага зор қилдим.
Ғурурдан кўйлагим бор эди,
Мен уни бекорга дор қилдим.

Кечир сенга кўрмайман раво,
На бирор сўз, на бир арзимни,
Бу ёғига узсам катта гап,
Юрак олдидаги қарзимни.

Жуда кеч англадим хатомни,
Севги бу-умрнинг заволи.
Мен худога топширдим сизни,
Бир кун тутар севгим уволи.

Ўзимни тенг кўрдим ерларга,
Унга хор, ўзгага зор қилдим.
Ғурурдан куйлагим бор эди.
Бўйнимга мен уни дор қилдим...



ХАЁТ - ШАФҚАТСИЗ УСТОЗ

Үйинлардан адо бўлдим, рост,
Билдим, ҳаёт-шафқатсиз устоз,
Мен- уқувсиз толиб, шунданми,
Унинг менга марҳамати оз.

Бу нотекис, текис йўлларда,
Мен суянчсиз йиқилдим кўп бор.
Чиндан уни севгандим, ахир,
Энди эса унумтоқ душвор.

Кўнглим қолган у хатолардан
Уларни кўргани кўзим йўқ,
Ҳар дам жангга тайёр тур, юрак,
Токи келиб тегмасидан ўқ.

Ҳаққинг йўқ ярадор бўлишга
Ё ўлим ва ёки ғалаба,
Уқувсиз бўлишдан чарчадим,
Энди бўлгум мен зўр талаба.



ЎЙЛАРИМНИНГ ЙЎҚДИР АДОҒИ

Кечир мени, кечир, худойим,
Ношукурлик қиласман гоҳи,
Мен кўнинкан ғамларга, ахир,
Чидолмасди бардошнинг тоги.

Бекор келдим дунёга, дейман,
Бекор уни суйғанман, дейман,
Менинг ғамим унга бегона,
Мен-чи, унинг ғамини ейман.

Узокъларга кетгим келади,
Ўйларимнинг йўқдир адоги,
Лекин нима қиласай мен сизни,
Унотолмай ўтаман, чоги.



НЕЧУН БУНЧА ГАРИБСАН, КҮНГЛИМ

Нечун бунча гарибсан күнглим,
Бепарвосан гүзәл ҳаётга.
У нимадир этган девона,
Ва қул этган сени баётга?

Эгардан ҳам тушмайсан сира,
Бошгинангни урсанг ҳам тошга.
У нимадир шунчалар азиз,
Иложинг йўқ чидашдан бошқа.

МАШХУР БЎЛИШ...

Айтинг, машхур бўлиш кимга ёқмайди,
Танилмоқ истайман, бутун оламга.
Хою ҳавасга дил берибман, бироқ
Меҳримни бермабман мунис онамга.

Ўткинчи дунёда орзу-ҳавас деб,
Гоҳ у ён, гоҳ эса бу ён чопаман.
Ҳаммаси яхши-я, лекин эртага,
Мен бошқа онани қайдан топаман?!

СОГИНТИРИБ КЕТДИ-КУ БАХОР

“Яхши от кейинроқ чопади”,
Құй ҳолимга, девона хаёл.
Шунча йил алданиб яшадим,
Унуганча эканим аёл...

Қылдым орзу, шоир бўлмоқни,
Ҳавас қилиб Бибихонимга.
Бугун жуда алам қилади,
Қасд қилганим шу ёш жонимга.

Хатоларим кўзимни очди,
Согинтириб кетди-ку баҳор.
Нима қиласай, кечикиб билдим,
Қиёматга қолганин дийдор...



ЯГОНА ИЛИНЖ

Биз бахтли бўламиз, худо хоҳласа
М. Юсуф

Сизни кўрганимдан хурсандман, фақат
Қанийди ишончлар ўзин оқласа,
Мени юпантирар ягона илинж,
«Биз бахтли бўламиз, худо хоҳласа».

Совуқ ниналар ҳам кор қилмас асло,
Худойимнинг ўзи бизни боғласа,
Яхши бўлди бизнинг учрашганимиз,
«Биз бахтли бўламиз, худо хоҳласа».

Яхши бор, ёмон бор дунёда азал,
Унутинг ёмонлар дилни доғласа,
Ўзи қўшган бўлса, сиз билан бизни,
«Биз бахтли бўламиз худо хоҳласа».



КЕЧИР МЕНИ

Тинч қўй мени, қийнама мени,
Уринишлар барчаси бекор.
Бизни енгди бугун ганимлар,
Хаёлларим, энди яхши бор.

Тан олмоқ ҳам мардлик-ку ахир
Бу жангни ман берганимни бой.
Тушларимда аён бўлди-ку
Яхши бўлар бу кейинги ой.

Энди сендан яширмайман мен,
Қалбга сени гизлаганимни. *
Ўзим сендан воз кечиб туриб,
Ўзим сени излаганимни.

Мени кечир ва мени тушун,
Ким қилмайди, ахир, хатони.
Худойим ҳам кечирган эди
Момо Ҳаво, Одам Атони.



* Гизлаганим - Яширганим (Хоразм шеваси).

СИЗНИ СУЯВЕРАМАН

Сиз томон илк қадам ташласам дейман,
Үзимнинг ғамимни, о қачон ейман,
Майлига, сиз мени ҳеч қачон сўйманг,
Мен сизни, барибир, суявераман...

Ҳеч қачон мени деб овора бўлманг,
Тўлмаган кўнгиллар, майли, ҳеч тўлманг,
Фақат сиз ҳеч қачон устимдан кулманг
Ахир, мен сизни деб куявераман...

Сиз бошқа мен бошқа, йўлимиз бошқа...
Сигиниб яшайман, сабр-бардошга,
Қалбингиз ўхшайди бунча ҳам тошга,
Дардингиз ҳис қилиб туявераман...

Қийналган чогимда ёнимда йўқсиз,
Янглишиб отганим - отилган ўқсиз.
Сизни деб юрагим қолди-ку чўғсиз,
Мен сизни барибир, суявераман...



БИР ОРТИҚМАС, БИР КАМ БУ ДУНЁ

Бир ортиқмас, бир кам бу дунё,
Дунёларда ҳаққим күп ҳали.
Эхтимолкі, ҳаёт гүзалдир,
Сенга бўлган ишқим туфайли.

Бир туғилиб, минг бора ўлдим,
Үлим даҳшат сололмас, фақат
Бунда қалбсиз яшаш даҳшатли,
Қалбим беги, тилайман шафқат.

Бу кунларга, у кимлар етди,
Не кимсалар қилмади армон.
Ишон, сени яхши қўраман,
Ишон, сени қўраман ёмон.

Бир ортиқмас, бир кам бу дунё,
Дунёларда ҳаққим күп ҳали.
Эхтимолки, ҳаёт гүзалдир,
Сенга бўлган ишқим туфайли.



ҮЛИБ АЙРИЛАСИЗ ЭНДИ СИЗ МЕНДАН

Үлиб айриласиз әнди сиз мендан,
Мен ҳам ўлсам керак, сиздан айрилсам.
Бир бора синган-ку, ахир қанотим,
Қандок қиласар экан яна қайрилсам.

Сиз мени севсангиз арзимабманми,
Осмонлар узилиб тушами ерга.
Мен сиздан кетмайман энди ҳеч қачон,
Қетсам ҳам вақтингча кетаман шеърга.

Үлиб айриласиз энди сиз мендан,
Лайлининг ишқидай ишқим бор менинг,
Майлига, сиз учун баҳор, ёз бўлай,
Ўзгага эса қиши, кўчам қор менинг.

Үлиб айриласиз энди сиз мендан...



ХУДО ГУВОҲ ЎЗИ...

Худо гувоҳ ўзи, куйганларимга...
Сизни ҳам чин дилдан суйганларимга.
Ҳаққим-а йўқ эди ўзи кечирсин,
Ўзи берган жондан тўйғанларимга.

Балки хатомиди мен каби яшаш,
Хатоми билмаслик адсоват, кинни.
Билмам, уятмиди ҳалига қадар,
Ажрата билмаслик ёлғондан чинни.

Ўзи йўқ ҳисларга ем бўлдим қанча
Қийналиб жон берди, беғубор туйғу.
Барibir, сизни ҳеч ёмон кўрмадим,
Яшашга ўргатди изтироб, қайғу.

Худо гувоҳ ўзи куйганларимга...



МЕН СИЗНИ ГУЛДАН-ДА ҚИЗГОНГУМ

Мен сизни гулдан-да қизғонгум,
Хаттотки қизғонгум күзимдан.
Мен сизни ҳеч кимга бермайман,
Ёмонми күп севсам ўзимдан?

Күрқаман ёмон күз, суқлардан,
Йүқотгум келмайди ҳеч сизни,
Шундоғам жуда кеч учрашдик,
Қадрлайлик бир-бirimizni.

Ёлғиз сиз деб келдим дунёга,
Ёлғиз сиз деб яшасам, ўлсам.
Юрагим ҳам сизга буюриб,
Бугун танҳо сизники бўлса.

Мен сизни ҳаммадан қизғонгум...



СИЗ МАРҲАМАТ ҚИЛАСИЗ ҲАЛИ

Сиз марҳамат қиласиз ҳали,
Гарчи бугун пойгақдаман - хор,
Лекин эрта кетмогим даркор
Мен ҳам қилиб сизни интизор.

Сиз марҳамат қиласиз ҳали,
Бугун менинг күзларимда ёш.
Эрта келар сизга ҳам навбат,
Чунки тугар сизда ҳам бардош.

Сиз марҳамат қиласиз ҳали,
Қалбингиздан бериб менга жой.
Менинг ўрним босолмас ҳеч ким,
Бўлса ҳамки, маъшуқангиз ой.

Сиз марҳамат қиласиз ҳали,
Ҳали буни бир кун айтасиз.
Юрагимда сизнинг уйингиз,
Айтинг, уйга қачон қайтасиз?

Сиз марҳамат қиласиз ҳали...



МЕНИНГ ИШҚИМ ЎЙИНМИДИ?!

Айтиб қўяй, менсиз сизнинг баҳтингиз йўқ.
Гулжамол

Ким деб атай энди сизни, жоним, айтинг,
Мард бўлсангиз агар энди ортга қайтинг,
Инсофданми ташлаб кетмоқ шундай пайтим,
«Айтиб қўяй, менсиз сизнинг баҳтингиз йўқ».

Мен йигласам, сизнинг кўнгил тўладими?
Энди мендай сизни севган бўладими?
Майли, мендан қалби йўқлар куладими?
«Айтиб қўяй, менсиз сизнинг баҳтингиз йўқ».

Нима, сизга менинг ишқим ўйинмиди?
Менга кўнгил бермоғингиз қийинмиди?
Ёки айтинг, менинг баҳом тийинмиди?
«Айтиб қўяй, менсиз сизнинг баҳтингиз йўқ».

Гумон қилманг жоним, энди аҳдингиз бор,
Мен севганман, чунки сизнинг шахдингиз бор,
Билиб қўйинг, сизнинг мендай баҳтингиз бор,
«Айтиб қўяй, менсиз сизнинг баҳтингиз йўқ».



ТИЛЛА БАЛИҚ

А.С. Пушкиннинг «Тилла балиқ ва
балиқчи чол» ҳақидағы әртагини ўқиб...

Тилла балиқ, тингла балиқ,
Кел, илингін қармогимга,
Сулаймоннинг узугини
Такиб қўйгин бармогимга.

Сен айтган у шаҳзодани,
Яна қанча айт, кутаман.
Хаёлимда ўзга бирор,
Лек ўзгага гул тутаман,

Яна қанча ўзи бошқа,
Сўзи бошқа бўларман-о.
Бир кун келар, ахир, мен ҳам
Тўлин ойдай тўларман-о.

Йўллар юрдим жуда узок,
Бироқ ҳали манзил олис.
Сўраганим, энг аввало,
Ниятимни қилгин холис.

Бахтсиз бўлиш бунча осон,
Бунча қийин бўлиш баҳтли.
Тилла балиқ, тингла балиқ,
Қилгин мени тоҷу-таҳтли.

Нима қилсанг, қилу, аммо
Қўлла мени бир дуода:
Армонларим бўлмасин ҳеч
Шу яхши - ёмон дунёда...

МУНДАРИЖА

Күнгил сизни тарк этмасин (М.Раҳмон)	3
Баҳтдан сархуш бўлайин.....	5
Тўмарислар ўтган замин бу.....	6
Юрагингиз меҳмонию мезбони бўлай.....	7
Ҳар ҳолда умид бор.....	8
Энг катта орзум.....	9
Менинг ибодатим.....	10
Зардўзингиз.....	11
Юрагингиз берсангиз бўлди.....	12
Энди сиз деб ўлайин.....	12
Қиёматга қолмасин дийдор.....	13
Яхши эди у ўтган кунлар.....	13
Худо, ёлғиз қилма аёлни.....	14
Жонимни қийнама, жоним.....	14
Ҳали шундай кунлар келади.....	15
Алдашдан кўрқаман.....	15
Мұҳабbat деб ўлайми энди?!	16
Худо, сенинг борлигинг яхши.....	17
Софигидим.....	17
Сиздан бошқа йўқмиди менга.....	18
Орзу изтироби.....	18
Юрагингиз ўғримиди?	19
Куйган бу дилимни кўйдирди ёмон.....	20
Сен учун қайтадан туғилдим.....	20
Дилим ёниб кетяпти.....	21
Ўтган куним.....	22
Ҳаёт, марҳаматинг аяма мендан.....	23
Имконлар тирик.....	24
Сен мени кечиргин, юрагим.....	25
Курашади савоб-гуноҳлар.....	26
Кўргуликлар бир ўзимники.....	27
Мен эртага баҳтли бўламан.....	28
Бир куни мен учиб кетаман.....	29
Худо берсин менга сабрни.....	30
Яшамоқ ҳам келса-я малол.....	31
Ўнгимда ҳам келгин, хумо куш.....	34
Бунча оғир сизга қарашиб.....	35
Мен учун ўзингиз борсиз.....	36

Майлими, мен сизга төг деб суюнсам.....	36
Худойим ҳам ёрдир-ку!.....	37
Сен олдимга қайтгин Хумо қуш.....	38
Сизни севиши келар құлымдан.....	39
Мен дүнёда эмг баҳтли аёл.....	40
Кечирим.....	40
Үзи сизга керакманми?.....	41
Ишкни билмай.....	41
Сиздан тона олмадим.....	42
Юрагим юракмас сизсиз.....	43
Чул деманғиз Хоразмни.....	44
Хузурингга келдим.....	45
Мен кетялман ғелажак томон.....	46
Бир күн тутар севгим уволи.....	47
Хәёт - шафқатсиз устоз.....	48
Үйларимнинг йүқдир адоги.....	49
Нечун бунча гариссан күнглим.....	50
Машхур бўлиш.....	50
Софигитириб кетди-ку баҳор.....	51
Ягона илинж.....	52
Кечир мени.....	53
Сизни суввераман.....	54
Бир ортиқмас, бир кам бу дунё.....	55
Үлиб айриласис энди сиз мендан.....	56
Худо гувоҳ ўзи.....	57
Мен сизни гулдан-да қизғонгум.....	58
Сиз марҳамат қиласиз ҳали.....	59
Менинг ишқим ўйинмиди?!.....	60
Тилла, балиқ.....	61

Ушбу китобимни нашр эттиришда ўзининг беминнат ёрдамиини аямаган мурувватли инсон Наманган вилоят Кенгаши депутати, ЎзФМД партияси Косонсой туман Кенгаши 1-котиби Мўминжон ака Қосимовга ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Муаллиф.

Адабий - бадиий нашр

КУМУШ
(Сайёра Солаевба)

СИЗ МАРХАМАТ ҚИЛАСИЗ ҲАЛИ
Шеърлар

Мұхаррір: Дилором

Мұсаввир: А.Дадабаев

Тех.мұхаррір: Н.Жабборов

Мұсаҳих: М.Қодирова

Терішга 2005 йил 18 ағасында берилди. Босишиңа 2005 йил 25 ағасында рұхсат этилди. Бичими 60x84. 1-16. Ҳажмі 4,0 босма табоқ. Оқ қозозға оғсет үсулида босилди. Тиражи 2000 нұсха. 4728-бүйртма.
Бағоси келишилгандар хада.

«Фарғона» нашриети.
712014. Фарғона шаҳри, Соҳибқирон Темур күчаси,
28-үй.

Ибрат номли босмахона ОЛЖ. (Наманған шаҳри, Накои күчаси,
36-үй) да чөп этилди.